Ilm-ma'rifat targ'ibotchisiga aylangan «Al-Isloh» jurnali kimlar tomonidan nashr etilgandi?

Илм-маърифат тарғиботчисига айланган «Ал-Ислоҳ» журнали кимлар томонидан нашр этилганди?

Илм, зиё тарқатувчи, халқнинг маънавий, сиёсий онгини ўстирувчи матбуотсиз бугунги кунимизни тасаввур этиш қийин, албатта. Зеро, у оммавий ахборот тўпловчи, таҳлил қилувчи ва тарқатувчигина эмас, балки тарихни муҳрлагувчи восита вазифасини ҳам бажаради.

Мозийдан садо

Яқин ўтмишга назар солар эканмиз, матбуот замон тарихи саҳифаларини битгувчи ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилганига яна бир карра амин бўламиз. Хусусан, миллат, миллий озодлик, миллий маданият учун кураш, дин ва Ватан ҳақидаги оташин мақолаларга тўла миллий матбуотимиз ўз даврида халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш, маърифат зиёси сари етаклашга интилганини кўрамиз.

1906 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарларда катта меҳнат ва таъқибларга қарамасдан бирин-кетин Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Маҳмуджон Обидов, Убайдулла Асадуллаҳўжаев ҳамда бошқа маърифатпарвар жадидлар, тараққийпарвар зиёлилар томонидан газеталар, журналлар чоп этила бошланди. Зиёлиларимиз миллат юксалиши ва уйғониши учун, аввало, илм-маърифат эгаси, шу билан бирга, дунё воқеаларидан, ўз ижтимоий аҳволи ҳамда сиёсий янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиши зарурлигини тушундилар. Улар матбуотда қолоқликка юз тутган эскича қарашларни қоралаб, жамият ва ҳатто халқнинг қарашларини ислоҳ этишни тарғиб қилдилар.

Ана шундай нашрлардан бири 1915 йил 14 январда Абдурахмон Сайёҳ ва Мунаввар қори Абдурашидхонов ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан ташкил қилинган "Ал-Ислоҳ" журнали эди. 1915 — 1918 йиллар оралиғида ушбу журналнинг етмиш етти сони нашр этилади.

"Ал-Ислоҳ" тез орада ўз ўқувчиларига эга бўлди ва унда ўша даврнинг кўзга кўринган уламолари, мударрислари, маърифатпарварлари, адиблари ўз мақолалари билан иштирок этдилар. Мазкур материалларда дин, имон-эътиқодни ҳимоя қилиш, шу билан бирга, диний ҳаётда ислоҳотлар ўтказиш лозимлиги ҳақидаги масалалар, таълим ва маориф мавзуси ўз аксини топган эди. Хусусан, журнал саҳифаларидан ўрин олган диний-маърифий мавзудаги мақолаларда халқ ўз маслак ҳамда эътиқодида собит туришга, турли ёт ғоя ва қарашларга қарши чиқишга чақирилган. Мақолаларда уламолар, маърифатпарвар зиёлилар орасидаги низолар, бўлинишлар ҳамда четдан кириб келган турли ноисломий ақида, эътиқод, хурофот ва бидъатлар масаласи акс этган, уларни ислоҳ қилиш кун тартибига қўйилган эди. Шу мақсадда журнал саҳифаларида халққа қарата: *"Биз фиқҳда Абу Ҳанифа мазҳабига, ақидада Мотурудий таълимотига амал қилсак"*, дея хитоб қилинган.

Журналнинг деярли ҳар сонида халққа маърифат улашиш мақсадида хориждан келтирилган ҳамда янги нашр этилган маҳаллий тошбосма китоблар *"Ислоҳ кутубхонасида Қуръони карим, ҳадиси шарифдин, қадим асорлардин, жадид рисолаларидан, ҳар фандин китоблар... арзон баҳода сотилур"*, тарзида эълон қилиб борилган.

Абдураҳмон Сайёҳнинг ислом тарихини яқиндан билиш ва ўрганишга чорловчи асар ҳамда мақолалари диққатга сазовордир. Хусусан, журналда унинг "Тарихи Ислом", "Туҳфатул анам тарихи байт ул-Ҳарам", "Тарихи изолат ул-ғайнан қиссатул Зулқарнайн", "Танвир ул-аҳдоқ фи макарим ул-ахлоқ" каби мақолалари босилган.

Унинг "Туҳфат ул-анам тарихи байт ул-Ҳарам" асарида Маккаи мукаррамнинг тарихи, иқлими, ислом маърифати ва маданияти ривожида тутган ўрни масалаларига кенг тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга, Шарқ оламининг XX аср бошидаги қолоқлик гирдобига тушиши сабаблари ҳам очиб берилган. Қолоқликдан чиқиш учун илм олиш, фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш лозимлиги асосий омиллардан бири эканлиги таъкидланган. Меҳр-шафқат, самимий муносабатлар, хушхулқлик каби сифатлар тараннум этилиб, ислом дини инсониятни гўзал хулқу одобга чорлаши муфассал баён қилинган.

Хулоса ўрнида айтганда, журнал

муассислари ислом оламидаги ислоҳоткор ғоялардан, Европа илм-фани ютуқларининг шиддат билан ўсиб боришидан таъсирланиб, миллатимиз ривожи учун тараққий этишнинг бирдан-бир йўли фақат илм ва маърифатда эканлигини яхши англаган ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш, ўзгартириш ҳамда янгилашда матбуотни кучли ва тенгсиз бир восита деб билдилар. Шунинг учун ҳам журнал "Ал-Ислоҳ" деб номланган эди.

Нигора РАҲИМЖОНОВА,
ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).